

КАРИМ ДЖАББАРОВИЧ ДЖАББАРОВ - БУЮК УСТОЗ

ДЖАББАРОВ КАРИМ ДЖАББАРОВИЧ
1943 - 2022

Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланишига, жумладан оториноларингологиянинг замон талабларига мослашиши, янги технологияли даволаш усулларини қўлланилиши, ЛОР-касалликларини эрта аниқлаш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Айнан шу борада оториноларингологиянинг ривожига қўшган ҳиссаси бўйича устозимиз Джаббаров Карим Джаббарович ажралиб турардилар.

1943 йилнинг 20 феввалида Хоразм вилоятида колхозчи оиласида таваллуд топган. 1960 йилдан 1966 йилгача Тошкент тиббиёт институти даволаш факультетининг талабаси. Институтни тамомлагач Хоразм вилояти Янгиариқ тумани марказий туман касалхонасида ЛОР шифокори бўлиб ишлаган. 1967 йилдан ТошДавТИда клиник ординатор, сўнгра ТошДавТИ аспиранти, 1971 йилдан ассистент, 1985 йилдан бошлаб ТошДавТИ ЛОР касалликлари кафедраси доценти, даволаш факультетининг декан муовини (1988 – 1990 йй.) бўлган.

Тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасини ёқлаш учун “50 ёшдан ошган шахсларда ЛОР аъзолари касалликларининг клиникаси ва даволаш” мавзусидаги диссертациясини ҳимоя қилган (ТошДавТИ 1972), Ленинград шаҳридаги Ҳарбий медицина академиясида “Ҳомиладор аёлларда ЛОР аъзоларининг яллиғланиш касалликларини даволаш ва профилактика қилишнинг патогенетик асосланиши” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлаган (1992 й.) 1990 йилдан 1993 йилгача Ўзбекистон Республикаси ССВ бош мутахассис

– отоларингологи ва эшитишни тиклаш Маркази раҳбари бўлган.

1993 йилдан 1995 йилгача Хоразм вилояти Соғлиқни Сақлаш вилоят бўлими мудири. Шу йиллар мобайнида Карим Жаббарович раҳбарлиги остида оналар, шунингдек аёллар ва болаларни соғломлаштириш борасида ва болалар ўлимимни пасайтиришда талайгина ютуқларга эришилди. Вилоят туманларида амбулатор жарроҳлик ёрдами ташкил қилинди ва репродуктив ёшдаги аёллар учун экстрагенитал касалликлар бўлимлари очилди. 1995 йилда Хоразм вилояти жисмоний тарбия диспансерига бош шифокор этиб тайинлади.

1995 йилдан 2000 йилгача Биринчи ТошДавТИ Урганч филиалига қарашли ЛОР касалликлари кафедрасини биринчи бўлиб ташкил қилди. 1995- 1999 йиллар педиатрия факультети декани, вилоят касалхонаси ЛОР бўлими мудири ва бош отоларингологи лавозимларида ишлаб, тиббиёт ходимлари, беморлар ва талабалар ўртасида хурмат эътибор қозонди.

2000 йилда ТошВМОИ ЛОР касалликлари кафедрасининг профессори ва Тошкент ш. 1-сонли шаҳар клиник касалхонасида ЛОР клиникасини бошқарди. 2005-2017 йилари ТошВМОИ ЛОР касалликлари кафедраси мудири ва 2003 йилдан 2012 йилгача ТошВМОИ жарроҳлик факультетининг декани. 2017-2022 йиларида Тошкент давлат стоматология институти оториноларингология кафедрасининг профессори бўлиб ишлаган.

К.Д. Джаббаров – олий тоифали шифокор, юксак малакали хирург-оториноларинголог, ЛОР аъзоларидаги мураккаблиги юқори операция амалиётларини бажарди. Беморлар ва кўп сонли шогирдларининг хурмат- эҳтиромларига сазовар бўлган аллома ва меҳрибон устоз.

К.Д. Джаббаровнинг шогирдлари томонидан 1докторлик ва 4та номзодлик диссертациялари бажарилган, 4 та номзодлик диссертациялари ёқлашга тайёрлаб қўйилган. Унинг раҳбарлигида 162 нафар клиник ординаторлар таълим олган.

Асосий илмий асарлари ўсмирларда, қарияларда ва кекса ёшдаги кишиларда қулоқ, томоқ, бурун ва бурун ёндош бўшлиқларидаги касалликлар этиологияси, патогенези, клиникаси ва даволаш масалаларига бағишланган.

К.Д. Джаббаровнинг беқиёс хизмати шундаки, у Республикамизда ва МДХда биринчи бўлиб ҳомиладор аёллар ва эмизикли оналар ЛОР аъзолари касалликларининг кечиш хусусиятларини ва даволаш муаммосини кўтариб чиқди, теран ва ҳар томонлама ёритди. Илмий ишланмалари натижалари Республикада соғлиқни сақлашнинг устивор йўналишларидан бири бўлган она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш ишига муайян улуш қўшди.

288 та илмий асарлар, улардан 2 монография, 20 таси ўқув услубий тавсияномалар ва 23 таси рационализаторлик таклифларининг муаллифи. Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистон оториноларингологлари илмий анжуманлари ва конференцияларининг иштирокчиси ҳисобланади.

Ўзбекистон оториноларинголог шифокорлари илмий жамияти раисининг ўринбосари, диссертациялар ҳимояси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси, ЎзР ССВ қошидаги аттестация ҳайъати аъзоси, Тошкент шаҳар ССББ бош ЛОР мутахассиси, “Стоматология” журнали ва “Ўзбекистон врачлар Ассоциацияси” журнали таҳрир кенгаши аъзоси бўлган. Инсон сифатида ақл заковатли, билимдон, ташаббускор, меҳнатсевар, мақсадга интилувчан, юксак маънавиятли, талабчан, қаттиятли, самимий суҳбатдош.

Кўп сонли ёрлиқлар ва “Соғлиқни сақлаш аълочиси” нишони билан тақдирланганлар.

К.Д. Джаббаров ташкилотчилик, шифокорлик, илмий ва педагогик фаолиятларини уйғунлиқда олиб бориб, бу жавҳаларнинг ҳар бирига муайян улуш қўшган хурмат эҳтиромга лойиқ шифокор,

олим ва раҳбар сифатида эътироф этилганлар.

2022 йил 29 декабр куни соғлиғи ёмонлашганлиги сабабли вафот этган.

**УСТОЗНИ ХОТИРЛАБ, ХУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ БИЛАН
ЎЗБЕКИСТОН ВРАЧЛАР АССОЦИАЦИЯСИ
ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ БЎЛИМИ,
ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ ВА БОШ-БЎЙИН
ЖАРРОҲЛИГИ АССОЦИАЦИЯСИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**